

Куръони Карим хитоблари бир давр ва бир миллатга мансуб бўлмасдан бутун давр ва маданиятларга хосдир. Хар бир даврда инсоннинг ундан оладиган хаёт манбалари мавжуддир. Ахлоки жихатдан энг ибтидоий инсонни иршод этганидек, энг юкори даражага кўтарилган инсонларга хам гўзал ўгитлар беради:

Нур сурасининг 27-оятида:

«Эй, йимон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангиз», деб мархамат килинади. Ушбу оятда келганидек, бирор уйга борганда уй эгаларига Аллохдан саломатлик тилаб, уларнинг рухсатларини олгачгина кириш энг маданиятли кишининг гўзал ахлоки бўлса керак ва бу бутун давр учун энг маъкул бўладиган харакатдир.

Муддассир сурасининг 4-,5-оятларида:

«Либосларингизни покланг, бутлардан йирок бўлинг» деб мархамат килинади.
«Сўзнинг тўгрисини сўзлангиз» илохий амри хар бир давр ва жамият учун хосдир.
«Молингиздан факирларга, йўксилларга хисса айирингиз» мукаддас каломи хар бир даврда инсонлар учун лозимдир.
«Юрганингизда на шошилиб ва на секин юрманг» дастури хар акл эгаси учун бир ўгитдир.
«Гапирганингизда на баланд ва на паст гапирманг» сўзи инсонга мажлис одобини уктиради.
«Жуда секин гапириш хасисларга, жуда каттик гапириш эса ёмон хулкли инсонларга хосдир».
«Еб-ичинг, бирок исроф килманг» сўзи оркали еб-ичишда бадан учун фойда борлиги, бирок уни исроф килиш зарар эканлиги уқдирилади. Бу хар бир жамият амал килиши лозим бўлган холатдир

Исро сурасининг 32-оятида:

«Зинога якинлашмангиз! Чунки у фахш ва ёмон йўлдир», деб мархамат килинади.

Оли Имрон сурасининг 130-оятида:

«Эй, йимон келтирганлар! (Берган карзларингизни) икки баравар ва ундан хам кўпайтириб, устама шаклида еб юбормангиз! Аллохдан кўркингиз! Зора, (шунда) толе топсангиз», деб мархамат килинади. Ушбу сурада судхўрлик, фоизга пул бериш каттик танкид остига олинган бўлиб, бундай кимсаларга Аллохнинг газаби бўлиши уктирилган. Чўчка гўштини, ўлган хайвон гўштини ейиш гунох эканлиги катъий айтиб ўтилган. Бу хам тиббий жихатдан, хам ахлокий жихатдан ахамиятлидир.
«Тарозини тўгри тортинг, нуксонли тортадиганлардан бўлманг» илохий амри савдо-сотикнинг энг мухим шартларидан бири эканлиги билан хар бир давр ва замон учун хосдир.
«Сулх хайрлидир. Улар сулхни истасалар, сен хам сулхни кабул эт» амри эса энг адолатли йўлдир. Тинч замонда бахамжихат яшаган маъкулдир.
«Кечиримли бўл, яхшиликка буюр» оятида эса кечиримли бўлишнинг энг яхши

фазилатлардан бири эканлиги, инсон багрикенглиги билан юксалиши укдирилади.

«Сўзлаганингизда тўгри сўзланг, сўзингиз кариндошингиз зарарига бўлса хам» амри эса адолати билан ахамиятлидир.

Ислом хар нарсада ўрта, тўгри ва фазилатли ибодат хамда халкка хизмат килиш йўлларини кўрсатади. Кўриниб турганидек, у хар бир даврда инсоният учун ахлокий ва маънавий асос бўлиб хизмат килади.